Ҳокимлар жавоб беради

Сирдарё вилоят ҳокими Ўктам Исмоиловнинг қарорига биноан янги экилган кўчатлар, барпо этилган боғлар ва токзорлар ҳолати билан энди шаҳар ва туман ҳокимларининг шахсан ўзлари шуғулланишади. Чунки вилоят ери ўта шўрхок, иқлими сершамол. Боғ яратиш, дарахт ўстириш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шу сабаб мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ

Дарслар мадҳия билан бошланади

Пойтахтимиздаги 17-гимназия инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган. Мазкур даргоҳнинг юқори синф ўқувчилари инглизчада деярли эркин гаплаша оладилар. Шунга яраша тартиб-интизом ўрнатилган. Талаб ҳам қатъий.

Қизиғи, шу мактабда ҳар душанба, биринчи сабоқни бошлашдан олдин, 1-синф ўқувчилари — Истиқлол билан тенгдош фарзандларимиз давлатимиз Мадҳиясини куйлашарди. Энди бу тадбир бутун мактабга ёйилди. Ҳафта бошидаги барча илк дарсларда миллатимиз, истиқлолимизнинг янгроқ қўшиғи — Мадҳиямиз янграйди.

Бу, мамлакатимиздаги мактаблар, олий ўқув юртлари қўлласа арзийдиган тадбир.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Илм — ҳамкорликда

Куни кеча Ўз РФА Тарих институтида илмий ҳамкорлик доирасида учрашув бўлди. Унда Александр Гумбольд номидаги Берлин университети «Ўрта Осиё халқларининг тил ва маданиятини ўрганиш» кафедрасининг раҳбари, профессор Ингаборк Больдауф хоним долзарб масалаларни кўтарди. Унинг «Туркистон жадидлари ва Германия» мавзуида қилган маърузаси ҳамда асримизнинг 20-йилларида юртимиздан Германияга ўқишга юборилган талабалар ҳаёти, ижоди ҳақидаги ҳужжатлар йиғилганларда чуқур таассурот уйғотди.

Ойгул САФАРБОЙ қизи

Саховатпеша фермер

Ғаллаорол туманидаги Эшонқул Исмоилов номли ширкат хўжалигининг Ҳасан Назаров бошчилигидаги фермер жамоаси Акмал Икромов номли мактабга 20 минг, 11-мактабга 25 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатиб, савобли ишга қўл урди. Шунингдек, 15 нафар аълочи ўқувчига стипендия тайинланди. Тўй-маъракаларга 5 та қўй ажратиб, ёрдамга муҳтож хонадонларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Ўздавсувхўжаликназорат»)ни ташкил қилиш тўғрисида

Халқ хўжалигининг фаолият кўрсатиши, қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил олиниши катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли ҳамда бехатар ишлашига боғлиқдир.

Мана шундай шарт-шароитларни таъминлаш бундай объектларнинг техник ҳолати устидан назорат кучайтирилишини, турли вазирликлар ва идоралар фаолияти мувофиқлаштирилишини, Марказий Осиё давлатларидаги сув хўжалиги ташкилотларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини тақозо этади.

Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси (бундан бу ёғига «Ўздавсувхўжаликназорат») ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавсувхўжаликназорат» давлат назорат органи ҳисобланиб, қуйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш ҳамда ишлар бехатар олиб борилишини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг бехатарлиги мезонлари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва тасдиқлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда ишлар бехатар олиб борилишини экспертизадан ўтказиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларини қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, уларни барпо этиш сифати ва фойдаланишга қабул қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли муҳофазаси ташкил этилишини назорат қилиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда катта ва алоҳида муҳим давлатлараро ҳамда чегара бўйи сув хўжалиги объектларидан пухта ва бехатар фойдаланиш масалаларининг Марказий Осиё давлатлари билан бартараф этилишини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини ошириш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўздавсувхўжаликназорат»нинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 24 март

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 25 март, пайшанба • № 38 (24.433).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Эътироф



«Ўзбекистон овози»га уч диплом

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамкорликда эълон қилган «Ҳуқуқ ва бурч» танлови ғолиблари аниқланди. Натижаларга кўра, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг махсус дипломи билан тақдирланди. Қувонарли томони шундаки, ушбу танловнинг биринчи мукофоти «Ўзбекистон овози» газетаси ходими Нурбек Тошниёзга топширилди.

Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ташаббуси билан «Суд ҳокимияти ва матбуот эркинлиги» мавзуида бўлиб ўтган семинар-машғулотда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги муаммолар, амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

Бахтиёр ҲАМИДОВ

Ҳумо — бахт ва иқбол рамзи

— Давлатингиз Гербидаги Ҳумо қуши тасвирини кўриб ҳаяжонланиб кетдим. Чунки, Култегин обидасининг тожида ҳам Ҳумо қушининг тасвири бор, — дейди туркиялик машҳур олим Чингиз Елемаз

Туркиялик олим — доктор Чингиз Елемаз юртимизга ташриф буюрди. У туркий халқларнинг эски ёзувлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боради. Олим билан учрашиб, қадимий турк халқларининг тош ёзувлари — 250 та слайд магнит тасвирини кўришга муяссар бўлдик.

Доктор Елемаз газетамиз учун махсус интервью берди.

— Илмий изланишларим давомида туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар бой маданий меросга эгалигига гувоҳ бўлдим. Шу юрт билан яқиндан танишиш, қадимий Наврўз тантаналарида халқингиз билан бирга бўлиш истаги мени Тошкентга етаклаб келди. Наврўз ҳеч қайси мамлакатда бунчалик шодиёна қилинмайди. Кўп улкан байрам бўлди.

— Ҳозиргина магнит тасвирда кўрганимиз Мўғулистонда олиб борган илмий изланишларингиз ҳақида билмоқчиман.

— Хоним, ўзим «тарих» оламида ўсдим, десам, инонинг. Чунки бобом Усмон Елемаз катта тарихчи олим ўтган. Бобом ёзган тарихий китобларни болалагимдаёқ ўқиб чиққанман. Шажарамиз тарихчи, рафиқам Самро ҳам туркшунос олима. Тўққиз яшар қизимизнинг исми Илбилга Осима. Бу ном Ўрхун-Энасой ёзувларидаги илк аёл номидир.

1997 йилда туркий халқларнинг ўтмиши, маданий мероси, тарихий обидаларини ўрганиш учун махсус ҳайъат — ТИКА тузилганди. 21 кишилик ҳайъатимиз туркий халқларнинг қадимий тош ёзувларини тадқиқ этиш учун Мўғулистонда икки йил иш олиб борди. Ёдгорликлар, тош ҳайкаллар, сағана тошлари қайта таъмирланди. Кўпидан нусхалар кўчириб музей ташкил этилди. Кўчирмалар яна қайта ўз жойига қўйилди.

Тарихий манбалар шундан далолат берадики, туркий халқларнинг бой маданий мероси Ўзбекистонда аслича сақланиб қолингандир. Чунки халқингизнинг ўз ўтмиши ва бугунига эътиқоди буюк эртасига ишончи зўрдир. Ҳозир мен буни янада чуқурроқ англаб етдим.

Туркий халқларнинг маданияти ўта теран илдизлидир. Бир Оврўпалик олим: «Дунё халқларининг жами китобларини тўпласа, туркий халқлар ёзган китобларнинг ярмига тенг», деганди. Маълумки, турк оламида қоғоз-китобдан анча илгариёқ тош китоблар бор эди.

— Тош ёзувларда кўпроқ қандай битиклар учрайди?

— Жамиятнинг ҳамма соҳаси — сиёсат, маърифат, панд-насиҳат... улкан бир маданий ёдгорликларни ташкил этади. **Билга Ҳоқон, Култегин, Тунюқук ёзувлари ва яна ҳали фанга аниқ бўлмаган ёзувлар бор. Туркий халқларнинг ана шундай яна 6 та ёзуви топилди.**

— Култегин обидасига кенгроқ тўхталсангиз. Нега Култегиннинг бош кийимида Ҳумо қушининг тасвири туширилган?

— Ўзбек халқининг бой маданий мероси туркий халқлар маданиятининг гултожи ҳисобланади. Бу фикримга тўла илмий асосларим бор бўлса-да, бу юртни ўз кўзим билан кўриш орзуим эди. Келган куним давлатингизнинг гербидаги Ҳумо қуши тасвирини кўриб ҳаяжонланиб кетдим. Чунки, Култегин обидасининг тасвирига аҳамият қилсангиз, Култегиннинг тожида Ҳумо қушининг тасвири бор. Култегин обидаси эрамиздан олдинги 732 йилда тикланган. Ҳали ислом дини пайдо бўлмасдан илгари. Бошқа ҳеч қайси туркий халқлар Ҳумо қушини на гербида ёки бошқа бирор манбада рамз сифатида қабул этмаган.

Култегин обидасида шундай сўзлар бор.

«...Эй, туркий халқ, ақл-заковатингни йиғ, осмон устингдан босиб тушмаса, ер сени ўз қаърига ютмаса, қиёмат куни етмаса, сенинг давлатингни, халқингни ким буза олади!» Турклардан сўрашибди, нега қизларингизнинг исми Гул, Чечак. Ўғлонларникиқ Аждар, Бўри. Шунда туркий халқлар: қизлар ўзимизга, ўғлонлар бўлса ёвга, дея жавоб берибди. Битикларда шундай ибратли панд-насиҳатлар акс этган.

— Тасаввуримизда Ҳумо қуши эзгулик рамзи бўлиб гавдаланарди. Демак, Ҳумо муқаддас қуш эканда.

— Ҳумо тасвири буюкликни англатади. Ахир, шоҳлар худонинг ердаги соясидир, дейилган. **Ҳумо буюклик, кудратлилик рамзи дея ҳоқонлар тожга тасвирини туширишгандир.**

Олим сифатида шу юртнинг буюк ўтмишини, бугунини, эртасини англаб турибман. Аслида туркий халқларнинг илдизи битта.

Мендан сўрашса: **Ислом маданияти, туркий халқлар маданиятининг кеча, бугун, эртасини кўриш учун қай юртни кўрай, деса, ҳеч ўйламай, Ўзбекистонни бориб зиёрат килинг дердим.**

Ўзбек халқи эътиқодли, иймони бут. Зеро, бу юртнинг ўз аждодларига муносиб — Йўлбошчиси бор.

Саида БОНУ
суҳбатлашди.

Журналист текшируви

Армон исканжаси

1997 йилнинг 7 апрелида Денов шаҳар марказий шифохонасида М. Ҳазратқулованинг ҳомиладорлик муддати ўтганлиги сабабли шифокорлар жарроҳлик йўли билан унинг боласини туғдириб олишади. Лекин орадан уч соат ўтгандан сўнг барча уринишларга қарамай, аёл оламдан кўз юмади. Бу ҳақда эрталаб соат 5 лар атрофида бош шифокор Эшқобил Худойназаровга хабар қилинади. Бир зумдаёқ у етиб келади. Лекин ўша вақтда марҳумани шифохонадан уйига олиб кетишганди. Бу ҳақда раҳбар ўша куниёқ вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи (собиқ) Холмирза Хуррамовга телефон орқали ахборот беради. Орадан икки кун ўтиб 10 апрелда вилоят ва республика соғлиқни сақлаш идораларидан бир гуруҳ текширувчилар келиб, марҳума М. Ҳазратқулованинг ўлим сабабларини ўрганиб муҳокама қилишади. Унда хотин-қизлар маслаҳатгоҳи мудираси Р. Мустафоева, катталар поликлиникаси мудири Х. Баҳриева, марказий касалхона бош шифокорининг оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари А. Ҳайбилов, бош акушер-генеколог туғруқхона мудири А. Эргашев, ҳомиладорларни тайёрлаш бўлими мудираси А.Турсунова, туғруқхонанинг соғломлаштириш бўлими мудираси М. Тошбоева, терапевт Ф. Турдиева, туғруқхонанинг навбатчи шифокори П. Ражабовларни ишдан озод этиб, ўз мутахассисликлари бўйича бошқа ишга ўтказиш тавсия этилади. 11 апрелда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида туман марказий шифохоналарининг бош шифокорлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислар иштирокида она ўлими муҳокама қилинади. Бу муҳокама далолатномаси ва унинг қарори билан эса ҳеч ким таништирилмайди. Шундан сўнг Э. Худойназаров марҳуманинг ўлими сабабчиларини айблаш мақсадида барча ҳужжатларни Денов шаҳар прокуратурасига топширади. Икки ойча давом этган текширув натижаларига кўра барча шифокорлар ўз ишларига қайта тикланадилар. Шу жумладан бош шифокор ҳам айбсиз деб топилади. Ҳозир улар турли лавозимларда меҳнат қилишаяпти. Шаҳар шифохонасининг собиқ бош шифокори эса...

— ... Барча сарсонгарчилигу югур-югурлар шундан кейин бошланди, — дейди Эшқобил ака. — Аёлнинг ўлими мени ишдан бўшатишга дастак бўлди, холос. 11 апрелда бўлган йиғилиш қарори асосида чиқарилган буйруқни қайтадан ўзгартириб, 21 апрелда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлар бўлининг мудираси А.Хонова сиз ишдан бўшадингиз деб кўпчилик олдида ўқиб берди.

Тиббиёт соҳасида 35 йил, шу шифохонада бош шифокор бўлиб 11 йил ишлаганим сариқ чақага арзимай қолганини шундагина тушундим. Баҳона топаман деса, дарахт учидаги баргнинг қимирлагани ҳам ажойиб сабаб бўлиши мумкин. Х. Хуррамов меҳнат кодексининг бир нечта моддалари бузилганлигини яхши биларди. Қолаверса, бошқа томонлардан ҳам «совуқ шамоллар» эсиб турганди. Унга қаршилик қилиш эса...

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг «133-М» сонли буйруғидан норози бўлган бош шифокор республика соғлиқни сақлаш вазирининг қабулида бўлиб ишга тикланиш мумкинлигига амин бўлади. 13 майда эса Термиз шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Орадан бир ой ўтиб, 12 июнда даъво ариза Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 208-213-моддалари билан рад қилинади. Шундан кейин Э.Худойназаров вилоят судига касация шикояти ёзади. 27 июнда бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Термиз шаҳар судининг раиси Д. Тўраевнинг 12 июндаги қарорини бекор қилиб ишни бошқа суд таркибида кўриш учун яна Термиз шаҳар судига юборди. Шаҳар судьяси Ж.Ишназаров ишни 1997 йил 23 июлда кўрди ва қарор қилди:

Даъвогар Худойназаров Эшқобилнинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Худойназаров Эшқобил Омонович Денов шаҳар марказий шифохонасининг бош шифокори вазифасига 11 апрель 1997 йилдан бошлаб тиклансин.

Даъвогар Худойназаров Эшқобил фойдасига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан 9953 сўм ундирилсин.

Қарорнинг ишга тиклаш қисми дарҳол ижрога киритилсин.

Ҳақиқат қарор топганидан хурсанд бўлиб юрган бош шифокор суд қарорининг бажарилишини таъминлашларини сўраб Термиз шаҳар судининг раиси Д. Тўраев ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг янги раҳбари Қувондиқ Мадатовга бир неча марта мрожаат қилади. Афсуски, ижобий жавобдан амалий ишга ўтиш уларга оғир кечади...

— Мен ўша кезларда Термиз билан Деновнинг орасида бўзчининг мокисидек қатнадим. Лекин мени алдашди, — дейди Э. Худойназаров. Улар келишмади, мен ишга тикланмадим ҳам. Фақат моддий ва маънавий зарар кўрдим холос. Майли ҳаммаси яхши бўлар. Аммо ҳақиқат қачон ҳаёт юзини кўради? Эшқобил акани фақат мана шу фикр ўйлантириб, қийнарди.

... Иш учинчи марта 17 октябрда Термиз шаҳар судида Н. Қўзиева раислигида кўрилди ва Э. Худойназаровнинг аризаси яна рад қилинди. Айбдор эса бош шифокорнинг ўзи бўлиб қолаверди. Мен қалбимга эмас, қадримга йиғлайман, дейди у ўкинч билан. Мансаб, обрў, шон-шуҳрат, бойлик эмас, оддий ҳақиқат учун курашаяпман. Яна айтаман, энди мансаб керак эмас. Нафақага чиқишимга бир ярим йил қолганда бир пулга қиммат бўлиб, ишдан бўшаганиму ҳақиқатнинг қарор топмаётгани менга уйқу бермайди. Оромим бузилган, касалланиб қолдим. Бир сўз билан айтганда армон исканжасиданман. У мени бутун борлиғимни сиқувга олган.

Бир йил мобайнида Э. Худойназаров ҳам, унинг том-том «асар»лари ҳам кўпкаридаги улоқдек турли идораларга итқитилди. Тазйиқлар ҳам бўлди. Натижа эса тобора қоронғулик сари шитоб билан интиларди. На илож, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ. Бўлмаса бир фуқаро ишдан тўғри бўшатилганми, нотўғрими деган масала вилоят судларида 6 марта кўрилармиди?! Бош шифокорнинг бир йил давомида ишсиз юрганлигини мутасадди раҳбарлар ҳам билишардику. Маошсиз оилани, рўзғорни тебратиш бу инсон учун қандай кечди экан? Тўғри, ҳозир Э. Худойназаров шаҳар «Саломатлик маркази»да меҳнат қилаяпти. Аммо... «Менинг мансабим кимларгадир керак бўлган экан. Очиқ-ойдин айтишсалар ўша вақтлардаёқ қўш қўллаб топширардим, — дейди ўйчан ҳолда Эшқобил ака. — Қийналиб ҳам кетдим. Лекин ҳақиқат қарор топадими деган ўйда яшаб юрибман. Илинжим, армоним, орзуим, ягона мана шу. Наҳотки, ойнинг ўттизи ҳам қоронғу бўлса?!»

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

Ёруғ кунлар саодати боқий бўлажак

Республикамиз Президентининг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатида халқимиз дилидаги гаплар ўз ифодасини топган. Кейинги пайтларда содир бўлган воқеа хусусида турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини ниқоби остида ўзларининг разил ниятларини амалга оширувчи гуруҳлар ҳам йўқ эмас. Президентимиз шунинг учун ҳам «Огоҳ бўлинг» дея кўп мурожаат қиладилар. 16 февралдаги воқеалар содир бўлмасдан олдин «Туркистон» газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда ҳам мустақиллигимизга таҳдид солувчи кучлар йўқ эмаслигини таъкидлаган эдилар. Бундай носоғлом кучлар ҳар қандай йўл билан бўлмасин қабиҳ ниятларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Ёш авлоднинг фикрини чалғитади. Уларни номақбул йўлларга бошлайди. Бунинг олдини олиш учун ҳаммамиз истиқлолни англаб етмоғимиз, ёшларимизга унинг моҳиятини тўғри тушунтиришимиз, керак бўлса, ўзимизни фидо қилмоғимиз керак.

Буларнинг ҳаммаси биз педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Олий ўқув юрти ўқитувчилари комил инсон тарбиясига катта эътибор бермоқлари керак. Урганч Давлат университетида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни баркамол бўлиб етишишлари учун кўплаб маърифий тадбирлар ўтказиляпти. Чунки XXI асрга қадам қўяётган демократик жамиятимизда уларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Шунинг учун ислом динини ёшларимизнинг маънавий равнақида тутган ўрни ҳақида давра суҳбатлари, дин пешволари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Булардан мақсад — истиқлол туфайли ёруғ кунларга эришдик. Уни бузғунчилар қўлига топшириб бўлмайди. Асло. Бу кунларни фақат асрамоқ керак. Келажакдаги буюк орзу-амалларимиз ҳам шу ёруғ кунлар туфайли рўёбга чиқажак.

Хушнуд БОБОЖОНОВ,
Урганч Давлат университетининг биринчи проректори

Ватан хоинларига лаънат

Юртбошимизга қилинган ёвузларча ҳаракатлар гўзал юртимизга — она Ўзбекистонга қаратилган суиқасддир. Ўзбекистонда бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Шу воқеа муносабати билан Президентимиз номига келаётган кўплаб ҳамдардлик мактублари Ўзбекистоннинг жаҳонда нақадар обрў-эътибор қозонаётганлигини, унинг раҳбари нақадар доно сиёсат олиб бораётганлигини яна бир марта исботлаб турибди.

Ватанимизнинг мустақиллик йўлидаги дадил одимлари зинҳор тўхтаб қолмайди. Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон янги қиёфага кирмоқда. Унинг иқтисодий, маданий соҳадаги ютуқлари маънавий жиҳатдан янгиланиб бораётганлиги, тинчликсеварлик, барқарорлик йўлидаги ҳаракатлари, миллий қадриятларни тиклаш борасида бошқаларга намуна кўрсатаётганлиги ҳаммага маълум.

Ҳаётда ҳамма ҳам ўз ақл-идроки билан яшаши керак, бировнинг кўрсатмаси билан эмас. Аммо, ўз қадрини билмай, бировларнинг кўрсатмаси билан иш тутадиганлар ҳам бор экан. «Февраль воқеалари» мақоласида тўғри таъкидланганидек, инсон адашмаслиги, бошқаларнинг ҳар қандай гапига лаққа тушмаслиги учун, Президентимиз ибораси билан айтганда, унинг ўзида мустақил фикр, муайян ҳаётий қатъият (яъни принцип) бўлиши, ўз қадрини билиши керак.

Хўжабек СЕИТОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

У бунга қандай эришди?

Ислоҳот ва масъулият

Қашқадарё вилояти саноат корхоналари орасида бозор талаблари заб-тига олганига қарамай, бўй-бастини тик тутиб келаётгани бармоқ билан санарли. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган корхонадаги ибратли ишлар раҳбар таланти, тадбиркорлик маҳсулидир. Хўш, у буларга қандай эришди?

Ҳам инженер, ҳам агроном ихтисосини эгаллаган бу йигитни нега дон тайёрлаш идораси раҳбарлигига юборишганини кўпчилик билмасди. Наридан-бери қурилган омборлар ва шунга тақалган молхона... Ташкилотнинг бор бисоти шу эди. Аммо ҳеч ким янги раҳбар Ғуломхон Қурбоновнинг ўжарлиги, бир ишнинг бошидан тутса, охирига етказмай қўймаслигини билмасди. Вақт кимгадир қудрат, кимгадир кулфат келтиради, дейдилар. Дастлаб элеватор қурилди. Молхона бошқа жойга кўчирилиб, ўрнида иссиқхона бунёд этилди. Ишчи-хизматчиларга маиший қулайликлар яратилган шарқона бино ишга тушди...

Агар истиқлол юз бериб «ҳайбаракаллачилар» эмас, чинакам тадбиркорнинг кўкрагига шамол тегмаса, «тайёр ошга бирон баковул» топилган бўлармиди... Халқимиз елкасига давлат қуши қўнди. Дон тайёрлов идораси ҳам хусусийлашиб жамоа корхонасига айланди. Жамоа аҳиллик билан етти йил орасида катта режаларни амалга оширди. Ошхона, дорихона, ажойиб ҳаммом қуриб олишди. Асл ғиштдан тикланган қўш қаватли профилакторийда ҳамма шароит муҳайё. Хорижий ускуналар ўрнатилган 2 та «Иссиқ нон» фирма-магазини ишлаб турибди. Яккабоғ шаҳридаги бозор қарщисида қурилган «Ҳумо» меҳмонхонаси, дорихона ва дўконларни ичига олган савдо маркази ниҳоятда кўркамгина эмас, катта фойда келтираяпти. Ишчиларга 48 та уй қуриб берилди. Ёрдамчи хўжалик ривожлангани туфайли ишчи-хизматчилар, 140 ўринли боғча тарбияланувчилари бепул овқатлантирилмоқда. Ўртача иш ҳақи 6,5 минг сўмга кўтарилди. 70 нафар боланинг суннат, 8 нафар йигит-қизнинг никоҳ тўйлари харажатини корхона кўтарди. Чунки тадбиркорлик самараси ўлароқ 1997 йилда 80 миллион сўм соф фойда олишди. 1998 йилдаги самара ҳам бундан кам эмас.

— Мана, сиз мақтов эмас, қилинган ишлар ҳақида ёзаман, деяпсиз, — дейди «Яккабоғдон» жамоа корхонаси бошлиғи Ғуломжон Қурбонов. — Ана шу ишлар қандай амалга ошганини ифодалай олармиканмиз? Кунинг оғиз билан ишлайдиганларга қолишдан худо асрасин. Фақат мақсад, уни юзага чиқариш йўлида ҳаракат бор. Агар алоҳида қурилиш бригадаси тузиб, темирчилик, дурадгорлик ва бошқа мураккаб ишларни ўргатмасак, кўп маблағни совурган бўлардик. Усталаримиз бино ҳам қуришади, мураккаб ускуналарни ҳам ўрнатишади. Олдинги йили Республика Фанлар академиясининг микробиология институти билан ҳамкорликда сомоннинг озуқа бирлигини оширадиган биопрепарат тайёрлашга киришдик. Шунинг ўзи камида 600-650 минг сўм фойда келтиряпти. Ўтган йили уч ой ичида янги тегирмон ишга тушди. Швецариянинг «Бюллер» фирмаси лойиҳаси асосида ясалган ускуналарни келтириб ўрнатдик. Натижада бир кунда 140 тонна биринчи, олий навли ун ишлаб чиқарилмоқда. Ортидан иккинчи режага қўл урдик. «Осиё» тараққиёт банкидан 793 минг доллар қарз кўтардик. Олмонияда тайёрланган, соатига 120 килограмм макарон ва 500 килограмм печенье тайёрлайдиган ускуналар ўрнатилади. Қачон дейсизми? Яқинда янги маҳсулот харидорларга етиб боради...

«Фикрлаб яшаб, фикрлаб меҳнат қилишни ўрганмоғимиз лозим». Бу мулоҳазани юртбошимиз халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтган эдилар. Афсуски, вилоятдаги айрим корхоналар ночорлик ботқоғига ботиб бораётганини кўриб, ҳамма жойда ҳам иш фикрлайдиган кишилар қўлида эмаслигига ачинасиз. Истеъдодюрт ва эл ишига фидокорлик ҳамда тинимсиз меҳнат туфайли юзага чиқади. Айримларга ўхшаб мансаб-савлати билан эмас, Ғулом Қурбонов жисми-жонига қудрат адо этаётган орзулари, уларни амалга ошириш йўлидаги топқирлиги, тинмаслиги билан бу ҳақиқатни исботлаб бермоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Омад келса...

Самарқанддаги «Оқтепа» ижара хўжалигида яшовчи Аҳмад Очилов туман халқ банки Оқтепа бўлимидан назоратчи кассир Бахтиёр Исматов қистови билан битта лоторея олганди. Лаҳзали лоторея билетини уйига бориб ўғли Фахриддинга «очтирди». Буни қарангки, Оллоҳ бераман деса ҳеч гап эмас экан, лотереянинг юзида учта «омад» сўзи намоён эди.

А.Очилов лотереяни ўғли номига расмийлаштирди. Энди 14 ёшли Фахриддин 50 йил мобайнида 20 минг сўмдан даромад олиб турадиган бўлди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Владимир ПАНОВ олган сурат

Баҳс ва таҳлил асосида

Тошкент вилояти партия кенгашининг навбатдаги пленумида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XIX пленуми қарорлари асосида вилоят партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов маруза қилди.

Маърузачи ўз сўзида: — Вилоят туман ва шаҳарлардаги барча партия ташкилотларининг фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, партиявий ишни яхшилашга қаратилган аниқ фаолият режасини белгилаш, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўз-ўзини бошқарув органлари билан яқин ҳамкорлик, хайрия тадбирларини кенг ёйиш, халқ таълими, тиббиёт ва маданият соҳаларини қўллаб-қувватлаш борасида атрофлича тўхталди.

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

(Ўз мухбиримиз)

Фаолиятга баҳо

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг бўлиб ўтган пленумида вилоят кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ғайрат Машарипов «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги масала юзасидан маруза қилди.

Пленумда вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг ҳисоботи, вилоят, шаҳар, туман партия конференциясини чақириш, партия ташкилотларининг Аёллар йилида амалга ошириши зарур бўлган вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

Партия хабарлари

Масъулият ҳиссини оширайлик

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг пленумида «Мамлакатимизда демократиянинг ривожланиши ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари» муҳокама қилинди. ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Ўмоновнинг ана шу мавзудаги маърузаси ва нотиқларнинг сўзларида муваффақиятлар баробарида, айрим нуқсонлар очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилди. Хусусан, оммавий-сиёсий ишлар, партия ташкилотларининг тадбиркорлар орасидаги мавқеи ҳозирги талаблар даражасида эмас. Республика Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик идораларига бўладиган сайловларга пухта ҳозирлик кўриш, унда фаол иштирок этиш ҳам партия ташкилотларининг ҳозирги даврдаги муҳим вазифаларидандир.

(Ўз мухбиримиз)

Газетамизнинг 1998 йил 5 декабрь сонида «Тақозо ва... ҳоказолар» сарлавҳали мақола чоп қилиниб, унда маҳаллий раҳбарларнинг «командаси»га маъқул келмай қолган ва вазифасидан ноҳақ бўшатилган раис ҳақида сўз юритилган ҳамда бундай ҳолатлар вилоятда ягона эмаслиги эслатилганди...

Ниҳоят мақола юзасидан расмий жавоб хати олинди. Қуйида жавоб хати матнини тўлиқ келтирамиз.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

... Аввало, матбуотнинг чиқишига ҳокимлик томонидан эътибор қаратилгани ва мукаммал жавоб хати ёзилгани диққатга молик. Лекин «хат»нинг тўла мазмунидан мақола қаҳрамони ҳақида мухбир бир ёқлама фикр юритган ва аслида бўлган воқеликни бошқача талқин қилган деган мазмун келиб чиқади.

Рост қайси, ёлғон қайси?

«Ўзбекистон овози» муҳарририятига

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 5 декабрь 145-сонида чоп этилган «Тақозо ва .... ҳоказолар» сарлавҳали мақола ҳақида.

Хазорасп туман ҳокимлигида «Тақозо ва... ҳоказолар» сарлавҳали мақоладаги ҳолатлар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли чоралар кўриш мақсадида туман ҳокимининг 1998 йил 12 декабрь 109-Ф сонли фармойиши қабул қилинди.

Р. Ирназаров 1982 йил февраль ойидан 1994 йил 25 июнь кунига қадар Хазорасп туман «Хазорасп» жамоа хўжалиги бошқарув раиси лавозимида ишлаган.

Собиқ раис Р. Ирназаров иш фаолиятининг дастлабки йилларида самарали меҳнат қилди. Қишлоқда қурилиш, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлди.

Лекин, кейинги йилларда жамоа хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайиб, унинг маҳсулдорлиги паст бўлди. Хўжаликда 1993 йилда рентабеллик даражаси 1992 йилга нисбатан тўрт марта камайди. 1993 йилда хўжаликнинг «Атолиқ» участкаси пахта майдонларида тўлиқ ниҳол олинмасдан далаларни ўт босиб, кўзланган ҳосил етиштирилмади. 1994 йилда ҳам бу хато-камчиликлар яна такрорланди.

Шу сабабли 1994 йил 25 июнда ўтказилган вакиллар йиғилишида Р.Ирназаров жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифасидан озод қилишнинг асосий сабаби раиси вазифасидан озод қилиниб, туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси вазифасига ўтказилган. Кейинчалик туман ҳокимлиги, савдо корхоналари уюшмаси раиси вазифасида ишлашга тавсия қилинган. Лекин Р.Ирназаров бу вазифада ишлашни хоҳламади.

«Хазорасп» жамоа хўжалиги ҳудудидаги саккизта маҳалла туман марказининг кенгайиш қисмида жойлашиб, туман бош қурилиш режасига асосан шу ҳудудларда давлат маблағлари ҳисобидан 2088 ўринли учта мактаб, 560 ўринли учта болалар боғчаси, битта даволаш маскани ва инженерлик коммуникациялари (хонадонларни газлаштириш 71,5 фоизни, сув тармоқлари 31,5 фоизни ва ҳоказо) қуриб ишга туширилган.

Хўжаликда 1995 йили 12,4 километр газлаштириш ишлари амалга оширилиб, аҳоли хонадонлари 100 фоиз газлаштирилди. 1996-97 йилларда 1,5 километр сув қувурлари ва сув ҳайдаш станцияси ишга туширилди ҳамда бу йил яна битта сув ҳайдаш станцияси қурилиши давом эттирилмоқда. Хўжаликнинг «Юқори Атов» қисмида битта мактаб қурилиши 1999 йил режасига киритилди.

Собиқ раис Р. Ирназаров томонидан 1995 йил 15 мартда туман ҳокимининг 82-сонли қарорига мувофиқ «Туркистон» фермер хўжалиги, 20 июлда эса туман ҳокимининг 407-сонли қарорига асосан «Саддам» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ташкил қилинди.

Хазорасп туманидаги «Обод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Р. Оллоёровни вазифасидан озод қилишнинг асосий сабаби кейинги йиллардаги жамоа аъзоларининг хўжалик раҳбаридан норози бўлиб, адолат истаб ёзган тўхтовсиз ёзишмаларининг кўпайганлиги, хўжаликда носоғлом муҳит юзага келганлигидир.

Мақолани ўрганиш якунлари туман ҳокимлигида, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, хўжалик раҳбарлари ҳамда фаоллар иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди. Хазорасп туман ҳокимлиги томонидан Р.Ирназаровга туман коммунал хўжалик идораси, асаларичилик жамоа хўжалиги бошқаруви раҳбарлиги ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ўз мутахассислиги бўйича иш таклиф қилинди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири Рўзимбой Ҳасан томонидан қаламга олинган масалалар ҳақиқатда жуда долзарб мавзу. Вилоят ҳокимлиги томонидан раҳбар ходимлар, жамоа хўжалиги раисларини алмаштириш махсус ишчи гуруҳи томонидан чуқур ўрганилиб амалга оширилади ва холисона баҳо берилади.

Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. ЎТАМОВ.

Мухбир изоҳи: Гап нима ҳақда кетаётганидан муштарийларни огоҳ этиш учун айрим ўринларни қиёслаш жоиз.

«Жавоб хати»да шундай сатрлар бор: «Р. Ирназаров иш фаолиятининг дастлабки йилларида самарали меҳнат қилди, қишлоқда қурилиш, ободонлаштириш ишларида бош-қош бўлди». Агарда Р. Ирназаров жамоа хўжалигига ўн икки ярим йилга яқин раҳбарлик қилган ва унинг фаолиятини қиёсан икки даврга бўладиган бўлсак, раис қишлоқни ободонлаштириш, қурилиш борасида асосан иш фаолиятининг иккинчи қисмида — 1987-94 йилларда кўп саъй-ҳаракатлар қилганига гувоҳ бўламиз. Бу даврда хўжаликдаги ўн бешта аҳоли пунктидан ўн биттасига табиий газ тортилган. Ана шунинг бештаси ёки ўн тўққиз километрдан ортиқроқ қисми хўжалик ҳисобидан амалга оширилган.

Ёки қатор ўрта мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа иншоотлар ҳам айнан шу даврларда қад кўтарган. Эндиликда маҳаллий раҳбарлар буни инкор қилиб: «Мазкур иншоотлар давлат маблағидан қурилди, бунда раиснинг ҳеч бир хизмати йўқ» дейишмоқда. Биз юқоридаги мақолада мактаб ва боғчалар, даволаш ва соғломлаштириш масканлари қурилиши ҳақида сўз юритганда «бу биноларни раис ўз маблағи ҳисобидан бунёд эттирди» демаган, балки ана шу улкан қурилишлар жараёнига раис бевосита раҳбарлик қилди деб унинг камтарона хизматларини эслатгандик, холос.

«Хат»да айтиладики, «кейинги йилларда жамоа хўжалигида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайиб, унинг маҳсулдорлиги паст бўлди».

Аслида 1993 йил июль ойидаёқ чорвачилик, паррандачилик акциядорлик жамиятларига айлантирилган ва хўжалик ҳисобидан чиқарилганди. Мулкчиликнинг янги формасига ўтиб ишлаш бошланган ҳолатда, акциядорлар йўл қўйган хатолар учун хўжалик раисига айб тақаш ўринлими?!

Энди энг қизиғи: гўёки раисни вазифасидан бўшатиш учун: «1993 йилда хўжаликнинг «Атолиқ» участкаси пахта майдонларида тўлиқ ниҳол олинмасдан далаларни ўт босиб, кўзланган ҳосил етиштирилмади. 1994 йилда ҳам шу хато-камчиликлар такрорланди» деган «айблар» қўйилади.

Аввало, деҳқон меҳнатига баҳо беришда халқимизда қадимдан машҳур «Жўжани кузда санайдилар» мақоли қўлланилади. Баҳорда ягона кечиқиши, ишлов пайсалга солиниши... режа бажарилмайди, бажарилиши гумон дегани эмас.

Аслида 1993 йилнинг 31 январида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида хўжаликда кўзланганидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштирилгани, жами даромад 950 миллион (ўша вақтдаги нархларда) сўмни ташкил қилгани, соф фойда эса 39 миллион сўмдан ошгани қайд қилинган. Рентабеллик 4,35 фоизлиги ҳам юксак баҳоланган. Мазкур йиғилишда туман ҳокими (ҳозирда собиқ) Ш.Муродов қатнашиб, хўжалик аҳлига, раисига миннатдорчилик билдирган...

...Мақолада кўтарилган мавзуга қайтиш ниятида туман ҳокимлигида бўлиб, айрим раҳбарлар билан мулоқот қилдик. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э.Эгамбердиевга «Бир участкада ишловда хато-камчиликларга йўл қўйилгани учун раисни вазифасидан олиш тўғрими? Ахир бу ерда масъул бўлим бошлиғи, бригадирлар борку!» деган саволни берганимизда у киши «Ҳа, тўғри! Раис хўжаликдаги ҳамма ишга жавобгар!» деди. Биз эса ўзимизни қийнаган фикрни айтдик: «Ундай бўлса, тумандаги бир хўжаликда пахта ниҳоллари тўлиқ олинмаса, режалар барбод бўлса, туман ҳокимини ишдан бўшатиш керак экан-да?» Биринчи муовин тўғридан-тўғри жавобдан қочишдан бошқа чора тополмади...

Аслида худди ўша «бир бўлимда тўлиқ ниҳол олинмаган йилда» хўжалик режадагидан ташқари олти юз тонна кўп пахта сотган! Энди ўйлаб кўринг: 1993 йилда «хато қилган раис» 1994 йилда ҳам «шу хато-камчиликларни такрорлаб», яъни янада кўпроқ пахта етиштирмасин деган хавф остида вазифасидан бўшатилган экан-да! Бундан ортиқ мантиқсизлик бўладими?!

Мақолада яна бир раис Р. Оллоёров ҳақида ҳам эслаб ўтилганди. «Жавоб хатидан» кўринадики, «Р.Оллоёровни вазифасидан озод қилишнинг асосий сабаби кейинги йиллардаги жамоа аъзоларининг хўжалик раҳбаридан норози бўлиб, адолат истаб ёзган тўхтовсиз ёзишмаларининг кўпайганлиги, хўжаликда носоғлом муҳит юзага келганлигида» эмиш.

Аслида, бўшатилишидан тўрт ой муқаддам бўлган туман «Ҳосил тўйи»да Р.Оллоёров вилоят ҳокими қарорига асосан «Нексия» автомашинаси билан мукофотланганди. Бу фактларни изоҳлашнинг ўзи кулгили!

Яна жабрдийда Ражаббой раис масаласига қайтамиз. 1994 йил 25 июнь куни эрталабдан мутлақо кутилмаганда чақирилган вакиллар йиғилиши хўжалик раиси Р.Ирназаровни юқорида кўрсатиб ўтилган «хато-камчиликлари учун» вазифасидан озод қилди. (Қизиғи, худди шу куни жамоа хўжалиги жойлашган «Саноат» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С. Жуманазаров ҳам «ўз аризасига кўра» ишдан кетган?!) Аслида гап нимадалигини биров билди — биров билмади.

Худди шу куни бўлиб ўтган йиғилиш протоколидан ихчам бир парча келтирамиз: «Хазорасп туманидаги «Хазорасп» жамоа хўжалиги аъзолари вакилларининг йиғилиши бўлиб, сайланган 374 нафар вакилдан 365 нафар вакил қатнашди. Кун тартибида: ташкилий масала.

Эшитилди: Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга Хазорасп туман ҳокими Шарифбой Муродов чиқди. У ўз сўзида мана шу жамоа хўжалигида кўп йиллардан бери ўзининг САМАРАЛИ ва ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ билан ОБРЎ-ЭТИБОР орттириб, жамоа хўжалиги правлениеси раиси бўлиб ишлаб келаётган Ражаббой Ирназаровнинг кейинги даврда соғлиги тўғри келмаганлиги сабабли ўз хоҳиши бўйича ёзган аризасига мувофиқ ишдан озод этиш ҳамда уни правление аъзолигидан чиқариш тўғрисида таклиф киритди.

Музокарада сўзлаганлар ҳам Ражаббой Ирназаровнинг жамоа хўжалиги иқтисоди учун шунча йиллардан буён қилиб келаётган ҳалол меҳнатига ЮКСАК БАҲО бериб, умумий йиғилиш қатнашчилари номидан МИННАТДОРЧИЛИК билдирдилар...»

... Тавба! Рост қайси, ёлғон қайси?!

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шахмат ва адабиёт

Ижоднинг икки тури

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озод Шарафиддиновни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Шахмат ўз хатти-ҳаракатларига танқидий муносабатда бўлишга кўмаклашади. Инсон нигоҳини ўз-ўзига қаратади, қилинган хатоларни тан олиш ва тузатиш зарур эканлигини кўрсатади. Бу ҳақда жаҳон чемпиони, фалсафа ва математика фанлари доктори Эм. Ласкер ўринлатиб ёзганди. «Шахмат тахтасида сохталигу риёкорликка ўрин йўқ. Шахмат комбинациясининг гўзаллиги, унинг мудом ҳақиқатлигидадир. Шахматда ифодаланган шафқатсиз таклифлар риёкорлик кўзини ўяди».

Шахмат, шубҳасиз фойдалидир, у одамнинг интеллектуал ўсишига кўмаклашади ва инсон тафаккурининг гўзаллигини очиб, нафис таъсир кўрсатади. Шахмат феъл-атворимизни тарбиялайди. У «ақл гимнастикаси»дир. Шахмат партияларини баҳолашда инсон чинакамига нафосат оламидан баҳра олгандек бўлади.

Бу фикрлар таниқли олим, ёзувчи ва моҳир таржимон Озод Шарафиддинов ижодига қай даражада сингиганлиги ҳақида сўз юритгинг келади. Мен биладиган ашаддий «китобхўр»лар ҳақида сўз кетганда, Озоджонга тенг келадигани йўқ, дегим келади.

Шу йил бошларида Асрор Мўмин билан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ шахмат бўйича пойтахт журналистлари турнири ташкил этилди. Улар орасида Озоджон ҳам бор эди. Баҳс натижаларига кўра, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Республика шахмат федерацияси таъсис этган «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини қарсаклар остида Озоджонга топширилди. Мусобақанинг биринчи ярмидан сўнг, Шарафиддинов карвонбошилик қиларди. Унинг чиройли ўйинлари иштирокчилару томошабинларга манзур бўлди. Айниқса, қурбонлар бериб комбинацияларга йўл очишни яхши кўрадиган, назариядан анчагина хабардор шахмат шайдоси эканин кўринди. Ҳисоб-китобу мулоҳазалари теран.

Хўш, анчагина оғир хасталик хуруж қилиб турган ўша кунлари унинг тахта узра баҳс юритишига қандай ҳад қилгани, кўрсатган натижалари кўпчиликни ҳайратга солди. Мен ўзимча мулоҳазага бордим. Ўрта осиёлик шахматчи Абулфайх Аҳмад Сижзий қаламига мансуб «Шатранж рисоласи»нинг уч нусхаси ҳозир Тошкентда, Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Унинг биринчи тадқиқотчиси профессор Фитрат бўлиб, қисман бу ҳақда «Аланга» журналининг 1928 йилги 3-4-қўшма сонларида эълон қилинган «Шарқда шахмат» мақоласида баён қилар экан, шахмат тарихчиси сифатида камина 1970 йилларнинг бошларида ушбу рисола билан яқинроқ танишиш мақсадида унинг фотонусхасини олишга муяссар бўлгандим. Рисоланинг муқаддимасида баён қилинган ажабтовур фикрлар хаёлимни банд этиб қўйган. Улар орасида Беруний ҳам шахмат рисоласи ёзгани ва унда «Шахмат кўп дардларга, чунончи илон чаққан кишига, тўлғоқ тутаётган аёлларга даво» эканлиги таъкидланган экан. Кейинроқ XIII асрга оид бир лотинча қўлёзмада шахмат ошқозон-ичак касаллигига, 50-йилларда Нью-Йоркда чоп этилган бир китобда юрак хуружига дучор бўлган бир беморнинг шахмат ўйнаш туфайли дарддан фориғ бўлгани ёзилди. Ҳаммаси тажрибадан ўтказилиб ёзилганига шубҳа қилмаса бўлади. Гап шундаки, 64 катакда давом этувчи мураккаб ва «ақлни ўғирловчи» баҳс жараёни кишидаги ўзида мужассам барча кучларни, айниқса асабларни бунга сафарбар этар экан. Қандайдир оғушда қолиб, бошқа барча нарсаларни, хусусан ғам-андуҳни унутиб, ўзига хос сирли оламга сингигандек бўларкан.

Мухтасар сўз шулки, шахмат Озоджоннинг жонига ора киргани рост. Мана ўн йилдан ошибдики, турли касбдаги бир неча киши иштирокидаги ўзига хос шахмат гурунгларимиз узлуксиз давом этиб турибди. Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов сингари эл ардоғидаги дўстлар йиғинларимизга файз киритиб келаётганидан мамнунмиз. Унинг шахсий кутубхонасида шахмат адабиётлари алоҳида ўрин олган. Даврада зукко билимдонлар қанча кўп бўлса, шунча яхшида.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг фахрий президенти

Навбат Осиё чемпионатига

Пойтахтнинг «Юнусобод» спорт кошонасида уч кун давом этган халқаро мусобақа мухлислару мутахассисларда унутилмас таассурот қолдирди. Баҳс «Мустақиллик кубоги» учун эркин ва юнон-рум кураши бўйича учинчи марта уюштирилди. Мукофот жамғармаси 150 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган мусобақада 18 мамлакатдан қарийб 230 нафар курашчи соврин учун курашди.

Мусобақада полвонларимиз спортнинг эркин ва юнон-рум турлари бўйича беллашиш ҳаддисини олишганини амалда намойиш этишди. 16 нафар курашчимизнинг бари қуруқ қолмади. Улар 6 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларига эга бўлишди. Россия курашчилари билан қозоғистонлик полвонлар 7 тадан олтин медаль соҳиби бўлдилар. Грузинларга ҳам 6 та олтин медаль насиб этди. Халқаро Гран-При дастурига киритилган бу мусобақада мутахассислар кучлиларни саралашга ҳаракат қилишди. Йигитларимиз эса бўш келмасликка интилдилар. Чунончи, юнон-рум кураши бўйича Аслиддин Худойбердиев, Исомжон Кенжаев, Шуҳрат Саъдиевлар олтин медаль олиб, ғалаба нашъасидан баҳраманд бўлдилар. Эркин курашчилардан Моис Ибодов, Рамил Исломов ва Аслан Санакаевлар зафар қучдилар.

Халқаро кураш ассоциацияси раҳбарияти юртимизда спортнинг кураш тури ривожланиб бораётгани, оммавийлик таъминлангани, халқаро мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар муҳайёлигини инобатга олиб, май ойида Тошкентда Осиё чемпионатини ўтказишга қарор қилдилар. Шундай қилиб, юртимиз пойтахтида яна бир нуфузли мусобақага ҳозирлик кўриш бошлаб юборилди.

Илдамлаган ютади

Спорт

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари тўпларга бой бўлди. Дарвозаларга 27 та тўп киритилди. Ҳозирча «Хоразм» ва «Сўғдиёна» жамоалари 6 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Маълумки, Хоразм футболчилари биринчи учрашувни «Насаф» майдонида ўтказиб, зафар қучишганди. Бу сафар эса улар ўз майдонларида «Темирйўлчи»ни (3:0) доғда қолдиришди. Жиззахликлар ҳам бўш келишмаяпти. «Сўғдиёна» аввал «Андижон» майдонида ғалабани таъминлаган эди. Бу гал жиззахликлар ўз майдонларида «Сурхон» дарвозасига учта жавобсиз тўп киритишди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Насаф» — «Зарафшон» — 4:2, «Бухоро» — «Андижон» — 3:1, «Металлург» — «Дўстлик» — 1:3, «Пахтакор» — «Трактор» — 4:1, «Нефтчи» — «Самарқанд» — 1:1, «Навбаҳор» — «Янгиер» — 3:0

Қаҳва кўпайгандан кўпаяди

Перу ҳукуматидан олинган маълумотларга қараганда, бу йил мамлакатда қаҳва етиштириш рекорд кўрсаткичга, яъни 1,8 миллион қопга (бир қоп 60 килограммга тенг) етади. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 20 фоиз кўпдир.

Қаҳва етиштириш Перу қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда бу маҳсулот экспортидан тушадиган валюта 300 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Келишувга кўнмаса...

АҚШ ҳарбий экспертларининг фикрича, агар серблар қарши ҳарбий операция бошлангудек бўлса, унинг илк кунларида НАТО авиацияси ўнлаб самолётларини йўқотиши мумкин. Югославиянинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимлари шундай имкониятга эга. Эн-Би-Си телекомпанияси тарқатган хабарда шу ҳақда маълум қилинади.

Унда айтилишича, ҳарбий ҳаракатлар бошлаш ҳақида қарор қабул қилинса, дастлаб АҚШ кемалари ва Буюк Британия сувости кемаларидан қанотли ракеталар отилади ҳамда В-52 бомбардимончи самолётлари парвоз қилади. Югославия президенти С.Милошевич шундан сўнг ҳам ўзаро келишув шартномасига имзо чекмаса, НАТО авиацияси Косоводан Белградгача бўлган ҳудуддаги бутун серб объектлари бўйлаб ялпи ҳужумни бошлайди.

«Тришул» машқлари бошланди

Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларининг «Тришул» деб номланган ҳарбий машқлари бошланди.

Уч ҳафта давом этадиган мазкур тадбирда Покистон чегараларига яқин жойдаги ҳарбий базаларда сақланаётган юзлаб жангавор самолёт ва вертолётлар иштирок этмоқда.

Ҳиндистон мудофаа вазирлиги илгари келишиб олинганидек, Покистон ҳукуматини ҳарбий машқлар ўтказаётгани ҳақида хабардор қилди.

Самолёт қулади, лекин ҳамма соғ

Гвинея давлатининг биттаю битта йўловчи самолёти ҳам ҳалокатга учради. Бахтли тасодиф туфайли самолётдаги 32 та йўловчининг ҳаммаси соғ қолган. Самолётни россиялик учувчилар бошқарган.

Бу ҳодиса самолёт Бата шаҳри аэропортидан Малабо пойтахтига учаётган пайти содир бўлди. Самолёт ҳавога кўтарилаётганда атрофдаги дарахтларга тегиб кетгани оқибатида ерга қулаб тушган. Натижада фақат икки нафар экипаж аъзоси енгил жароҳат олган.

(ЎзА)

«Ўзтуркаккумаш»
қўшма корхонаси
«ТИКО», «ДАМАС» янги автомашиналари учун «6 СТ-35» маркали аккумуляторларни ўзлаштириб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.
Корхона бундан ташқари «6СТ-35», «6СТ-60», «6СТ-90», «6СТ-132», «6СТ-180» маркали аккумуляторларни мижозларга буюртма асосида исталган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади
Манзил: Тошкент шаҳри, Султонали Машҳадий кўчаси, 210-уй.
Тел: 169-69-34, 169-69-06.

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**
ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мулкин
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

Диққат!

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти

ўз акциядорларига 1999 йил 16 апрель соат 10.00да акционерлар умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

Кун тартиби:

1. ***«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятининг 1998 йилги молиявий-хўжалик фаолияти ва 1999 йилги режалар ҳақида бошқарув ҳисоботи.***
2. ***Тафтиш комиссияси хулосаси.***
3. ***Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.***
4. ***1998 йил учун тўланадиган дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.***
5. ***Ҳар хил масалалар.***

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамиятининг 1.01.1999 йилгача бўлган БАЛАНСИ

(минг сўм)

№	Номлари	қолдиқ	
		актив	пассив
1.	*Асосий маблағ*	37400	
2.	*Номоддий актив*	1766	
3.	*Маблағ қўйиш*	807	
4.	*Таъсисчилар билан ҳисоб*	52	
5.	*Узоқ муддатли инвестиция*	10423	
6.	*Ишлаб чиқариш заҳираси*	46783	
7.	*Тугатилмаган ишлаб чиқариш*	4539	
8.	*Тайёр маҳсулот*	38478	
9.	*Маҳсулот*	236	
10.	*Ҳисоб рақами*	3369	
11.	*Сотиб олувчи ва буюртмачилар билан ҳисоб*	8682	
12.	*Хомашё олиниши учун қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)*	9357	
13.	*Бюджет билан ҳисобот*	6698	
14.	*Ҳар хил дебиторлар*	1621	
15.	*Низом жамғармаси*		63216
16.	*Қўшимча маблағ*		24409
17.	*Тақсимланмаган фойда*		3175
18.	*Қисқа муддатли кредит*		20000
19.	*Хомашё сотувчилари билан ҳисоб*		20986
20.	*Ишчи-хизматчиларнинг ойлик ҳисоблари*		8262
21.	*Ижтимоий суғурта билан ҳисоблар*		3181
22.	*(ДП) корхоналари билан ҳисоблар*		21563
23.	*Уюшма қарзлари*		5391
24.	*Ҳар хил кредитлар*		28
	Баланс	170211	170211

Солиқ (фойда) тўлангунгача умумий молиявий ҳолат 14715 минг сўм, ҳисобот йилидаги соф фойда 7170 минг сўм.

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти Бошқаруви

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасининг ободонлаштириш объектларини қуриш дирекцияси меҳнат жамоаси раҳбар ўринбосари М. О. Ҳидоятовга акаси
Анвар Оқилович ҲИДОЯТОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Диққат, ТЕНДЕР!

Сурхондарё вилояти «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари» қурилиш дирекцияси 1999 йилда қуриладиган иншоотлар учун керакли қурилиш материаллари ва жиҳозларини пудрат (тендер) асосида сотиб олади. Пудрат (тендер) савдоларида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва қўшма корхоналар қатнашиши мумкин.

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Кабель маҳсулотлари	А.АШп СУМ-10(3х50)	п/м	1684
	АПВГ 2х2,5	п/м	1200
	АПВГ 3х2,5	п/м	1000
	АПВГ 3х4+1х2,5	п/м	3500
	АПВГ 3х6	п/м	7000
	АПВГ 3х16+1х10	п/м	1500
	ТППЭП 50х2х0,4	п/м	3000
	ТППЭП 20х2х0,4	п/м	5000
	ТРП 1х2х0,5	п/м	15000
	ПРПП 2х0,9	п/м	1000
	АКВВБ 4х25	п/м	1000
	АВВГ 1х4	п/м	1500
Электр симлари	АП 35	п/м	1500
	АПС 35	п/м	1500
	АПС 70	п/м	1000
	АППВ 1х2,5	п/м	12000
	АППВ 1х6	п/м	7500
	ПТПЖ 2х1,2	п/м	15000
	ПТПЖ 2х0,6	п/м	10000
	ППЖ 1х1,4	п/м	600
	ИВМ 0,2	п/м	900
	ТРП 1х2х0,5	п/м	300000
	АППВ 2х2,5	п/м	1500
	ТРП 1х2х0,4	п/м	15000
	ТРВ 1х2х0,4	п/м	8000
	НВ 500	п/м	3000
Хорижий маҳсулотлар:			
Ёритгичлар		дона	30000
Стартер	8 ЭС-220	дона	15000
Люминацент лампа	ЛВ-40	дона	12000
Ёритгич	«МАЯК»	дона	500
Лампа	ДРЛ-250	дона	500
Люминицент ёритгич		дона	10000
Ташқи ёритгичлар		дона	500
Иситиш қозони	Универсал-6	к-т	35
Насос	К-80-50-200	к-т	25
	4АМ 16052УЗ	к-т	35
Насос	4Ах8064	к-т	35
Ўт ўчириш ускунаси	0хВП-10м	дона	860
Овқат пишириш қозони	КПЭ-60-1	дона	25
Овқат пишириш шкафи	ШЖЭСМ-2кг	дона	20
Универсал машина	П-11	дона	20
Электр қайнатгич ускуна	УЭВ-60	дона	50
Картошка тозалаш машинкаси	МОК-250	дона	15
Ювиш ваннаси	ВМСМ-2	дона	20
Идиш ювиш машинаси	МПУ-700	дона	25
Совутгич шкафи	ШХ-0,8ю+1,12ю	дона	30
Тарози	ВТ4014-500ш	дона	20
Гўшт бўлиш машинаси	МРМ-15	дона	18
Электр плитаси	ПЭ-0,51	дона	25
Сковородка	СЭ-0,45	дона	60
Қовуриш шкафи	ШЖЭ-0,85	дона	40
Тезкорсув қайнатгич	КНЭ-100 м	дона	30
Нон кесиш машинаси	МХР-200 м	дона	35
Касса аппарати	рояль	дона	25
Гўшт қиймалагич	МИМ-300	дона	25
Касса кабинаси	РУ	дона	20
Стол тарозиси	ВНЦ-2м	дона	20
Электр сочиқ	Веялис-5	дона	18
Пишган маҳсулотларни бўлиш машинаси	МРО-350-01	дона	15
1-овқат учун мармит	МСЭСМ-3	дона	30
2-овқат учун мармит	МСЭ-112	дона	30
Юк ташиш араваси	ТПГ-250	дона	30
Ишлаб чиқариш столи	СП-1200, СПСМ-2	дона	100
Ошхона учун аравача	ТСП-900	дона	25
Идишлар учун шкаф	ШМП	дона	45
Ванна	ВМСМ-1	дона	36
Идишларни йиғиш аравачаси	ТРП	дона	20
Рангли телевизор (ҳар хил)		дона	25
Оқ-қора телевизор (ҳар хил)		дона	10
Видеомагнитафон (ҳар хил)		дона	15
Видеокамера (ҳар хил)		дона	10
Усилители (ҳар хил)		дона	10
Громкоговоритель		дона	40
Громкоговоритель	МАЯК-202	дона	40
Радиоприёмники автоматические		дона	4
Видеодвойки (ҳар хил)		дона	10
Магнитафон (ҳар хил)		дона	35
Электрофон (ҳар хил)		дона	20
Сифон доскаси	03-118-90	дона	350
Китоб жавони		дона	200
Физика столи	ШК-85-36-01	дона	280
Химия столи	ОН-1-П26-45	дона	264
Физика лаборатория столи	ДН-7-1136-6	дона	40
Химия лаборатория столи	ОН-1-1-1136-1	дона	40
Лаборатория тарозиси	ВЛР-200	дона	20
Электр қуритиш шкафи	2Ш-01	дона	30

Маҳсулотлар номи	Русуми	Ўлчов бирлиги	Миқдори
Компьютер столи		дона	200
Компьютер	Р26611-32-21-2 ГОД 3,5-546А-14	дона	200
Киноуставка	Украина 7	дона	15
Осма киноэкран	ЭПП-1	дона	10
Қоронғи пардалари		дона	50
Кўчма столлар		дона	50
Кийиниш ўтиргичлари		дона	60
Айланма стуллар		дона	250
Чизма столи-стули билан	ОБ-1-549-19	дона	500
Микроскоп	МРБ	дона	80
Икки тумбали стол	Ж-22-1648-3	дона	200
Бир тумбали стол	Ж-26-36-39	дона	300
Ксерокс	Р№сом ГТ-5560	дона	15
Медицина шкафи		дона	30
Ҳакам столи	ОН-7-1136-71	дона	25
Стоматология столи	СС-3	дона	20
Стоматология стули	С-2	дона	25
Девор ойнаси		дона	45
Газета ва журнал столи	ОВ-17-1227-36	дона	50
Совутиш	«Сино»	дона	30
Витрина шкафи	ОН-4-1236-8	дона	30
Кийим шкафи	ОН-4-1236-2	дона	25
Китоб ва хужжатлар учун шкаф	ОН-4-1236-1	дона	300
Электр ёзма машина	ОПТИМА	дона	25
Калькулятор	Касио	дона	50
Пианино	Украина	дона	15
Микрофон		дона	30
Кутубхона стеллажи		дона	200
Электр соати	Электроника7-ом	дона	80
Пневматик насос		дона	20
Тақсимлаш шкафи	ШРП-300х2	дона	30
Тақсимлаш бокси	БКТ-100х2	дона	80
Телефон аппарати	ТА-11320	дона	40
Телефон аппарати	ТА-21220	дона	100
Таъминлаш блоки	БП	дона	30
Звонок	ЗВП-200	дона	25
Электрпайвандлаш столи	ОКС-7523	дона	20
Электпайвандчи стули		дона	20
Токар станоги	СТД-120н	дона	25
Электр чархи	ЭТ-75	дона	25
Лаборатория центрафугураси	ЦЛМ-24	дона	25
Лаборатория термостати		дона	25
Электровулканизация аппарати	6140	дона	25
Сепгич ускунаси ОМП	ОМП «Омно»	дона	20
Кийим илгич	Щ-147	дона	300
Гимнастика айланмаси	МРТУ-62-2107-61	дона	50
Гимнастика девори	ТУ-62-2728-69	дона	15
Гимнастика ёғочи		дона	15
Гимнастика оти		дона	20
Резина		дона	15
Гимнастик ўтиргич	ТУ-62-2527-69	дона	15
Сакраш кўприги		дона	50
Трамплин		дона	30
Волейбол сеткаси		дона	20
Воллейбол қопқон	МРТУ62-1585	дона	20
Баскетбол щиты	МРТУ-62-2279-66	дона	30
Ўқув барьери		дона	35
Сакраш устуни		дона	30
Қўл тўпи дарвозаси		дона	20
Секундомер		дона	30
Гантель		дона	100
Задвижка ДЧ 125,РЧ 10	30обр	дона	50
ДЧ80, Рч10	30обр	дона	50
Вентиль фланцевый	15 км 19п1	дона	200
— // — муфтовый	15км 18п1	дона	400
Клапан предохр. ДУ-50 ДУ-80, РУ-16	Г/н 18 ор, 19ч21ор	дона	100
Иссиқ сув ўлчагич	СТВГ-65	дона	30
Газ босими ўлчагич	РГ-250-1	дона	30
Ящик	Я5111-3574УХ14	дона	25
Ящик	Я5111-2674УХЛ4	дона	25
Қозон	ВНИИСТОМЧ	дона	10
Шифер		дона	120000
Облицовочная плитаси	6 минг кв.м		
Керамик облицовочная плитаси	12 минг кв.м		
Сантехника жиҳозлари	12 минг дона		
Шчит-том плитаси	9 минг кв. м.		
Линолиум	45 минг кв.м		
Ёғоч маҳсулоти	2,5 минг куб.м.		
Мармар	6 минг кв. м.		
Лак-бўёқ маҳсулоти	160	тонна	
Аудитория столи	10 минг	дона	
Ўқитувчилар столи	2 минг	дона	
Ўқувчилар стули	8 минг	дона	
Трансформатор	15 КРП 250/10	дона	
Трансформатор п/с	КТП-2х630	15 дона	

Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича хўжалик ҳисобидаги Республика бошқармаси Сурхондарё вилояти филиали.

Манзилимиз: Термиз шаҳри, Исо Ат-Термизий кўчаси, 5-уй. (эски 8 Март кўчаси).
Телефон: 3-34-70, 3-16-33, 3-67-48, 2-01-10, 3-19-79.
Мўлжал: Сурхондарёдеҳқонқурилиш х/ж биноси.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Фан ва маданият.— 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-72-83, 133-38-55,133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Санда ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 27.360 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0177

Босишга топшириш вақти – 21.00
Топширилди – 24.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА